

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА ЛОЛА ИСАКОВНА

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ
МАКТАБЛАРИ ВА ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИНИ МАЖМУАВИЙ
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исакова Лола Исаковна

Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларининг саломатлик ҳолатини мажмуавий гигиеник баҳолаш 3

Исакова Лола Исаковна

Комплексная гигиеническая оценка состояния здоровья учащихся специализированных детско-юношеских спортивных школ и колледжей олимпийского резерва 23

Isakova Lola Isakovna

Comprehensive hygiene assessment of the health state of children and youth specialized sports schools and olympic reserve colleges pupils 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА ЛОЛА ИСАКОВНА

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ
МАКТАБЛАРИ ВА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИНИ МАЖМУАВИЙ
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Роза Толановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайберганов Анатолий Сагатбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мавлянова Зилола Фархадовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув бино мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.

(2018 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жисмоний тарбия-спорт ҳаракати байналминал хусусият касб этиб, глобал кўламга эгадир. Ушбу ҳаракат ўсиб келаётган авлодни ўзига тобора кўпроқ жалб қилмоқда ҳамда миллий маданиятимизнинг ўзига хос жиҳатларига ва жамиятимизнинг маънавий кадриятларига боғлиқ ҳолда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш болаларни, айниқса қизларни мунтазам спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш барча вилоятларда, жумладан олис қишлоқларда болалар спорт объеклари тармоғини янада кенгайтириш йўли билан олиб борилмоқда. Бугунги кунда спорт билан доимий рившда мунтазам шуғулланувчи болалар сони ўсиб бормоқда ва уларнинг сони 2,5 миллион нафарни ташкил этади¹.

Жаҳонда болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар ёш спортчиларнинг турмуш шароити, тарбияси ва дам олишининг санитар-гигиеник тавсифларини ўрганиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бунда спорт билан шуғулланишнинг жисмоний ривожланиш ва организмдаги асосий тизимларнинг функционал ҳолатига, ёш динамикасига кўрсатадиган таъсирини баҳолашга жисмоний юкламалар ҳажмининг боланинг ёши, жинси ва саломатлик ҳолатига мослигини аниқлашга, ёш спортчиларнинг касалланиши ва уларнинг тиббий фаоллик даражасини пасайтириш, касалликлар ва жароҳатларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга, тиббий касбий маслаҳатлар бериш ва болаларнинг спортни танлашини амалга оширишга алоҳида аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлатнинг бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² белгиланган вазифаларга мос равишда «... асосий вазифалардан бири жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли кенг қатламларининг спорт билан шуғулланишига ва соғлом турмуш тарзини олиб боришига, ўсиб келаётган жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга, спорт саноати ва инфратузилмасини ривожлантиришга, мамлакатимизнинг халқаро спорт ареналарида юқори натижаларни кўрсатиб, муносиб ўринларни эгаллашини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини бажариш зарурлиги ...»³ амалга оширишни тақоза этади. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий спорт соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажариш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат Кўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2017 йил 16 мартдаги 148-сонли.

² «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.

³ «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ва «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сонли «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар организмининг ўсиши ва ривожланиши жараёнига спорт машғулотларининг тизимли таъсири ва ҳаракат-мушак тизимининг функционал имкониятларининг ривожланишига оид масалалар билан қатор узоқ хориж олимлари шуғулланмоқдалар (Best J.R., 2010; Iivonen K.S. et al., 2013; Saris, 2002; Zeng N. et al., 2017). Узоқ хорижлик муаллифларнинг илмий ишларида спорт билан шуғулланувчи болаларнинг касалланиши мониторинги натижалари акс эттирилган ҳамда спорт тури ва жисмоний юклама хажмига боғлиқ ҳолда касалланиш структурасининг ўзига хос жиҳатлари ўрнанилган (Claudino J.G. et al., 2016; Gabbett T.J., 2016; Halson S.L., 2014; Jones C.M. et al., 2017). Узоқ хорижлик олимларнинг таъкидлашича, интенсив жисмоний машқлар ва ноадекват жисмоний юкламалар жароҳатланиш таҳликасини оширади (Claudino J.G. et al., 2018). Шу нарса исботландики, жароҳатларнинг салмоғи жисмоний тайёргарлик даражаси ва спорт турига боғлиқ экан (Bergeron M.F., et al. 2011; Poston W.S.C., et al., 2016). Спорт билан шуғулланишнинг ақлий меҳнат қобилятига ижобий таъсири аниқланган (Booth J.N. et al., 2013; Davis E.E. et al., 2011; Moher D. et al., 2015), айтилиши вақтда бир қатор узоқ хорижлик олимлар жисмоний юкламалар ақлий қобилятни пасайтиради деб ҳисоблайдилар (J. van der Fels I.M. et al., 2015). Болаликда жисмоний фаолликнинг юқори бўлиши ўсмирлик даврида ҳаракат ва билиш борасидаги устунликни таъминлайди (Cox E.P. et al., 2016; Fedewa A.L. et al., 2011; Khan N.A., Hillman C.H., 2014). Иқтидорли ёшларни танлаб олишнинг айрим тамойиллари ишлаб чиқилган (Lidor R. et al., 2009; Mokkink L.B. et al., 2010; Robertson S. et al., 2014; Thomas S., Paskus A. 2012). Кўплаб МДҲ давлат олимлари етарлича бўлмаган ҳаракат фаоллигининг ҳамда ҳаддан ташқари жисмоний юкламаларнинг касалликкача бўлган ҳолатларнинг ривожланишига ва сурункали юкумсиз касалликларнинг юзага келишига,

функционал имкониятларнинг бузилишига, жисмоний ривожланишга, жисмоний ва ақлий меҳнат қобилиятига таъсирини ўрганиш билан шуғулланмоқдалар (Баранов А.А., Кучма В.Р., 2013; Джангирия Н.А., Габибов А.Б., 2016; Калининченко И.А., 2018; Соколовская Т.А., 2017; Прокопьев Н.Я., Романова С.В., 2016; Усков Г.В., Возницкая О.Э., 2013). Қатор илмий ишлар ўқув-машқ жараёнини ташкиллаштириш ва оптималлаштиришни гигиеник баҳолашга, машқ машғулоти тари технологиясини рационаллаштиришга бағишланган (Охапкина С.А., Левина Е.П., 2018; Скиба О.А., 2018; Самоненко С.Б., 2014). Яқин хориж мамлакатлари олимларининг илмий асарлари болаларнинг соғлом турмуш тарзига бўлган ижобий муносабатларига, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларини оширишга жисмоний тарбия ва спорт муҳитининг кўрсатадиган таъсирини ўрганишга бағишланган (Баталов И.С., Асланов В.А., 2016; Берулава Б.З. ва бошқ., 2016; Дуркин П.К., Лебедева М.П., 2014; Касьяненко А.Н., 2016; Мацкевич Д.И., 2018; Смурыгина Л.В., 2015). МДХ мамлакатлари олимлари спорт танлови ва йўналиши тизимига, ёш спортчиларнинг ўз-ўзини аниқлаш масалаларига услубий ёндошувларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган (Бальсевич В.К., 2006; Бареев О.Н., Агабекова Т.П., 2016; Воронов Ю.С., 2005; Неверкович С.Д., 2003).

Мамлакатимиздаги олимларнинг илмий ишлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларни, ўқувчи ҳамда ёшларнинг ёшга оид хусусиятлари ва қонуниятларини, жисмоний ривожланиши, жинсий етилишини, функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлигини ижтимоий-гигиеник, тиббий-биологик, иқлимий-географик ва экологик омилларга боғлиқ ҳолда аниқлашга ҳамда болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилишга оид меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган (Алимарданова М.А., 2011; Атаев О.Р., 2010; Бекбаулиева Г.Н., 2004; Искандарова Г.Т., 2007; Камилова Р.Т. ва бошқ., 2016; Кувандикова Д.Э., 2004; Ниязова Г.Т., 2008; Саломова Ф.И., 2009; Шайхова Г.И., 2004; Эрматов Н.Ж., 2011).

Шунингдек мамлакатимизда ёш спортчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва дам олиш тартибини рационаллаштириш, ҳаракат фаоллиги даражасини оптималлаштириш ҳамда врач кўригига қадар ўтказиладиган скрининг-кўрикни, жисмоний тарбия ва спорт бўйича касбга йўналтиришни, касбий танлаш ҳамда врачларнинг касбий маслаҳатларини ташкиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг мавжуд эмаслиги, жисмоний ривожланишнинг минтақавий стандартлари ишлаб чиқилмаганлиги ушбу масалаларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотларнинг зарурлигини қайд этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг АТСС-24.3 «Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчиларининг саломатлик ҳолати кўрсаткичларини баҳолашнинг илмий-асосланган мезонлари асосида болалар ва ўсмирларни тиббий касбий танлаш ва касалликларнинг олдини олишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йиллар) амалий грант лойиҳаси режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касбий йўналтирилган ўқувчи-спортчиларда касалланиш, функционал ва жисмоний ривожланиш мезонларини илмий асослаш асосида болалар саломатлик ҳолати бузилишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самарали тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳар хил турдаги спорт-таълим муассасаларининг мажмуавий санитар-гигиеник текширишдан ўтказиш, спортчи ўқувчиларнинг машқ машғулотлари тартибини ҳамда яшашининг ижтимоий-маиший шароитларини баҳолаш;

спорт-таълим муассасаларида ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича тақсимланишига миқдорий тавсиф бериш;

спортчи ўқувчилар саломатлик ҳолати кўрсаткичларининг субъектив баҳосига машқ машғулотларининг таъсирини аниқлаш;

спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган болаларнинг жисмоний ривожланиши, нафас ва ҳаракат-мушак тизимлари функционал ҳолати кўрсаткичларига қиёсий баҳо бериш;

спортчи ўқувчиларнинг касалланиш даражасини скрининг-тест маълумотлари ва чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари бўйича ўрганиш, уларнинг тиббий фаоллик даражасини аниқлаш;

спортчи ўқувчиларнинг касбга йўналтирилганлигини баҳолаш, уларнинг мойилликлари ва қизиқишларини аниқлаш;

болаларнинг саломатлик ҳолатидаги силжишларнинг олдини олиш, машқ машғулотларини жисмоний тарбия ва спортга касбий йўналтиришни, касбий танлаш ва болаларга шифокорнинг касбий маслаҳатини оқилона ташкил этиш бўйича профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотлар объекти бўлиб Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида жойлашган 30 та спорт-таълим муассасалари, 14 та умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари ҳамда Тошкент шаҳри, республикамизнинг 12 та вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг ўқув-таълим муассасаларидаги 19606 нафар боланинг асосий антропометрик кўрсаткичлари бўйича электрон маълумотлар базаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети спорт-таълим муассасаларининг санитар-гигиеник ҳолати, машқ машғулотларининг шароити ва тартиби; яшашнинг ижтимоий-маиший шароити, спорт билан шуғулланишнинг жисмоний ривожланиш, функционал ҳолати ва касалланиш даражасига таъсири, ўқувчи-спортчиларнинг касбга йўналтирилганлиги, мойилликлари ва қизиқишларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун сўровнома ва тест ўтказилган, гигиеник, соматометрик, физиометрик, анамнестик, таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт мактаби ва олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиларининг ўзлаштириши лозим бўлган спорт тури асосида дарсдан ташқари фаолияти, ўқув машғулоти, болалар саломатлик ҳолати, дам олиш, таълим ва тарбия шароитларининг тизими такомиллаштирилган;

мамлакатимиз ҳудудларининг антропометрик, морфофункционал кўрсаткичлари асосида мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини янги ёш-жинс стандартлари ишлаб чиқилган;

гиподинамик ҳолати ва асаб-эмоционал зўриқишни пасайтириш, ўқувчиларнинг кунлик жисмоний юкласини оптималлаштириш натижасида ҳаракат фаоллигининг гигиеник меъёрлари ишлаб чиқилган;

аниқ танланган спорт тури бўйича таълим муассасаси турига мос равишда спортчи ўқувчиларни касалланиш кўрсаткичлари асосида шифокоргача бўлган скрининг кўрик ўтказиш мезонлари, шифокор касбий маслаҳати, касб танлаш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича касбга йўналтириш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолатини гигиеник баҳолаш бўйича самарали профилактик тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;

ёш спортчиларни ўқитишнинг ҳамда жисмоний тайёргарлигининг шарт-шароитларни, ўқув, машқ ва бўш вақтини оқилона ташкил этишни назорат қилиш;

болаларни жисмоний тарбиялаш, уларнинг саломатлигини жисмоний маданият ва спорт воситасида муҳофаза қилиш масалалари бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг савияси ва сифатини яхшилаш;

ўз вақтида диспансеризация қилиш учун спортчи болаларнинг шифокор кўригига қадар скрининг кўригини ўтказишни, жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатидаги нуқсонларни эрта аниқлашни амалга ошириш;

болаларни жисмоний тарбия ва спортга касбий йўналтириши ва шифокорнинг касбий маслаҳатлар беришини босқичма-босқич ўтказиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги оқилона назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланганлиги; етарлича миқдорда текширувдан ўтказилган болалар сонидан фойдаланган; ўзаро бир-бирини тўлдирувчи замонавий гигиеник, соматометрик, физиометрик, анамнестик, аналитик ва статистик тадқиқот усулларининг қўлланиши; хориждаги ҳамда мамлакатимиздаги муаллифлар илмий ишларининг қиёсий таҳлили ўтказилганлиги билан тасдиқланади; хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган. Барча рақамли маълумотлар, жумладан болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчиларининг саломатлик ҳолатини мажмуавий баҳолаш натижаларига замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Ишнинг назарий аҳамияти спорт билан шуғулланишнинг ёш спортчилар жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатига, касалланиш ва жароҳатланиш даражасига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, ўқув дастури, ўқув-услубий қўлланма ҳамда 3 та услубий тавсияномалар кўринишида тайёрланган монография ва ишлаб чиқилган ўқув-услубий ҳужжатларидан тиббий ходимларга ҳамда болаларнинг саломатлиги, ўсиши ва ривожланиши динамикасини баҳолаш билан шуғулланувчи бошқа мутахассисларга ўз амалий фаолиятида фойдаланиш имконини беради. Ишлаб чиқилган ўқув-услубий ҳужжатлардан болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича мутахассисларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчиларининг саломатлик ҳолатини мажмуавий гигиеник баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистон Республикасида 7-17 ёшдаги мактаб ўқувчилари жисмоний ривожланишининг баҳолашнинг меъёрий жадваллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамлакатимизда истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар орасида жисмоний ривожланишнинг меъёрий кўрсаткичлари асосида жисмоний ривожланишни баҳолаш, унинг асосида ўқувчилар фаолиятининг гигиеник меъёрларини ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида саломатлик ҳолатини баҳолаш имконини берган;

«Ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш ва ҳаракат фаоллигининг гигиеник меъёрлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болалар ва ўсмирлар орасида ақлий ва жисмоний ривожланишининг уйғунлигини таъминлаш мақсадида жисмоний тарбия ва ҳаракат фаоллигини таъминловчи гигиеник меъёрлар ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида саломатлик ҳолатини таъминлаш имконини берган;

«Ўқув тарбия муассасалари тиббий ҳамширалари учун шифокорларгача скрининг-кузатув қўлланмаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/114-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўқув тарбия муассасаларида ўқувчиларни тиббий ҳамширалар томонидан саломатлик ҳолати, жисмоний ва функционал ҳолатидаги ўзгаришларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида коррекцияловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчиларининг саломатлик ҳолатини мажмуавий гигиеник баҳолаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти,

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази, Республика, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 8н-з/128-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларни жорий этиш ўқувчи-спортчиларни жисмоний тайёргарликнинг гигиена шароитларини назорат қилишни яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражаси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг болалар саломатлиги ҳолатига кўрсатадиган таъсирининг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида болаларга таълим бериш ва жимсоний тарбиялаш тартиби гигиеник тавсифи, жисмоний юкламалар миқдорининг ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишига, функционал ҳолати ва касалланиш даражасига таъсири, болаларнинг тиббий жисмоний тарбия ва спортни танлашининг аҳамияти ёритилган масалалари бўйича илмий нашрларнинг маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёш спортчиларнинг саломатлиги ва касбий йўналтирилганлигини шакллантиришнинг гигиеник жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг объекти, ҳажми ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқотлар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида жойлашган 30 та спорт-таълим муассасалари, 14 та умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари орасида ўтказилган.

36 та спорт-таълим муассасасининг спорт заллари, жумладан 6 та янгидан қурилган спорт заллари ва майдончалари санитар-гигиеник текширувдан ўтказилган. Микроиқлим ва ёритилганлик параметрлари ўрганилган: спорт залларида ўлчашлар йилнинг ҳар хил вақтида (машғулотларнинг боши ва охирида) ва йилнинг ҳар хил фаслида (қиш-баҳор ва ёз-куз фаслларида) ўтказилган; спорт майдончаларида ўлчашлар бир марта машғулотлар вақтида, йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумида ўтказилган. Ўлчаш натижалари махсус ишлаб чиқилган «Спорт-таълим муассасаларини мажмуавий санитар-гигиеник ва эпидемиологик текшириш» картасида қайд этилган. Микроиқлим ва ёритилганлик кўрсаткичларини ўлчаш «Метеоскоп-М» ва «Аргус-01» электрон ўлчагичлар ёрдамида амалга оширилган.

Спортчи ўқувчиларнинг спорт тури бўйича тақсимланиши, уларнинг спортдаги стажи ва машқ машғулотлари тартибини ўрганиш 1538 нафар спортчи ўқувчилар орасида махсус ишлаб чиқилган «Спортчи ўқувчининг спортдаги фаоллигини ўрганиш картаси» дан фойдаланган ҳолда сўровнома усули билан аниқланди. Яшашнинг ижтимоий-маиший шароитининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш учун 956 нафар ўқувчи спортчилар (1-гурух) ва спорт билан шуғулланмаётган 1820 нафар ўқувчи (2-гурух) орасида махсус ишлаб чиқилган «Ўқувчилар яшашининг ижтимоий-гигиеник шароитини ўрганиш бўйича сўровнома» асосида ўтказилди.

Жисмоний ривожланишни аниқлаш учун тананинг оғирлиги ва бўйи, кўкрак қафасининг айланаси ва экскурсияси (КҚА ва КҚЭ) ўрганилди. Нафас тизимининг функционал ҳолатини аниқлаш учун ўпканинг ҳаётий сиғими (ЎХС) «ВТЛ-08 Spiro» спирометридан фойдаланган ҳолда ўрганилди ва зарур бўлган ЎХСни ҳисоблаш ўтказилди. Ҳаракат-мушак тизимининг функционал ҳолати мушак кучи ва мушак бардошлилиги ўнг (МК₁, МБ₁) ҳамда чап (МК₂, МБ₂) қўл панжаларнинг кўрсаткичлари бўйича ДРП-90 ва ДРП-120 типидagi қўл динамометридан фойдаланган ҳолда ўрганилди. Орқанинг мушак кучи ДС-200 ва ДС-500 гавда динамометр ёрдамида ўлчанди.

Жисмоний ривожланиш ва функционал ҳолатни қиёсий баҳолаш спорт мактабларининг 11 дан 15 ёшгача бўлган 529 нафар ўқувчиси (1-гурух) ва умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия дарсларига қатнашадиган, аммо спорт билан шуғулланмайдиган 1009 нафар ўқувчи (2-гурух), шунингдек, олимпия захиралари коллежларининг 13 дан 17 ёшгача бўлган ўқувчилари (956 нафар бола – 1-гурух) ва уларнинг ҳаракат фаоллиги жисмоний тарбия дарслари билан чекланган тенгдошлари (1217 нафар бола - 2-гурух) орасида ўтказилди. Соматометрик ва физиометрик параметрларнинг қийматлари махсус ишлаб чиқилган «Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолати кўрсаткичларини қайд этиш шахсий картаси»га киритилган.

Жисмоний ривожланишнинг минтақавий ёш-жинс меъёрий миқдорлари (стандартлари)ни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри, 12 та вилояти ва Қорақалпоғистон шароитида яшайдиган, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган 19606 нафар боланинг асосий антропометрик кўрсаткичлари бўйича электрон маълумотлар базаси таҳлил қилинган.

Касалланиш ва тиббий фаоллик даражасини ўрганиш учун махсус ишлаб чиқилган «Спортчи ўқувчининг саломатлик ҳолатини ўрганиш картаси» ёрдамида 800 нафар ёш спортчида скрининг-тест ўтказилди ва тор мутахассислик шифокорларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрик амалга оширилди. Оёқ кафтларининг морфологик ҳолатини ўрганиш 503 нафар спортчи ўқувчилар орасида А.В.Сидорованинг плантография усули бўйича; плантограммаларни баҳолаш В.А.Яралова-Яральянц (Москва, 1968) усули бўйича ўтказилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари махсус ишлаб чиқилган «Спортчи ўқувчининг тиббий амбулатор картаси»га қайд этилди. Касалликнинг синфи ва нозологик бирликлари бўйича алоҳида касалликларни гуруҳлаш ХКТ-10 га мувофиқ ўтказилди.

Махсус ишлаб чиқилган «Ёш спортчиларнинг бўлажак касбларини танлаш бўйича касбий мақсадини аниқлаш учун сўровнома» асосида олимпия захиралари коллежларида шуғулланаётган, 12 дан 15 ёшгача бўлган 158 нафар ўқувчи билан сўров ўтказилган. Касбий қизиқиш ва мойилликларни аниқлаш учун Е.А.Климовнинг табақалаштирилган ташҳислаш саволномасидан (ТТС) А.А.Азбелнинг (Санкт-Петербург, 2004) модификациясида фойдаланилган бўлиб, у 30 та муқобил фикрлашлардан ташкил топган.

Биз ишлаб чиққан ва юқорида санаб ўтилган барча сўровнома ва карталар Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИнинг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (2012 йил 20 мартдаги 3-сонли баённома).

Тадқиқот маълумотларига статистик ишлов беришда вариацион статистик миқдорларни (M), ўртача арифметик миқдорларнинг хатосини ($\pm m$) ва нисбий миқдорларни (частота %) ҳисоблаб чиққан ҳолда фойдаланилган. Ўртача миқдорларни таққослашда ҳосил бўлган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ҳатолик эҳтимоли (P) ни ҳисоблаб чиққан ҳолда Стъудент мезони (t) бўйича аниқланган. Статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ўзгаришлар учун $P < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинган.

Диссертация «Спорт таълим муассасаларининг санитар-гигиеник тавсифи ва ўқувчилар яшашининг ижтимоий-маиший шароитлари» деб номланган учинчи бобида спорт заллари ва спорт майдончаларини санитар-гигиеник текширув натижалари ҳамда спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган ўқувчилар яшашининг ижтимоий-маиший шароитини ўрганиш натижалари келтирилган.

Шу нарса аниқланганки, спорт-таълим муассасалари спортнинг алоҳида турлари билан шуғулланишга мўлжалланган, битта спортчи ўқувчи учун ҳисоблаб чиқилган (7 дан 75 м² гача), 8 дан 62 нафаргача бўлган ўқувчилар учун ўтказиш қобилятига эга бўлган очик текисликдаги спорт иншоотлари ва залларнинг майдонига; уларнинг жойлашув ўрнига, ҳудуднинг кўкаламзорлаштирилишига (ер участкасининг 30-35% ҳисобида) ва ички тузилишининг планировкаси ҳамда ёрдамчи хоналарнинг тузилишига;

ёритилишига (100 дан 510 лк гача), вентиляцияга (табiiй ва тортувчи-итарувчи) ва иситиш кўйилган талабларга жавоб беради. Аниқланишича, Тошкент шаҳрида спорт залларининг 2 фоизи, вилоятдаги шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса 60 фоизга яқини марказлаштирилмаган иситиш тизимга эга экан.

Спорт залларидаги микроклим параметрлари муайян спорт турига ва спорт машғулотларининг тавсифига боғлиқ бўлмаган, аммо йил фаслларига боғлиқ бўлган: йилнинг иссиқ фаслида ҳавонинг ҳарорати ва намлиги ўртача $32,1 \pm 1,17^\circ\text{C}$ ва 40-45% ни, совуқ фаслларда эса $18,8 \pm 2,1^\circ\text{C}$ ва 50-55% ни ташкил этган; ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 дан 0,5 м/с гача ораликда бўлган. Очiq спорт иншоотларида энгил атлетика билан шуғулланишга мўлжалланган югуриш йўлакчалари, сакраш ва ядрони улоктириш учун майдончалар ҳамда ўйин майдончалари (волейбол, баскетбол, регби, футбол ва ҳ.к.)ни текшириш шуни кўрсатдики, деярли барча спорт-таълим муассасаларида уларнинг йўналишига, хавфсизлик ҳудудларига, қоплаш учун ишлатиладиган материалларга ва уларнинг ўлчамларига, шунингдек фойдаланиладиган ускуналарнинг материаллари ва конструкцияларига тегишли бўлган санитар-гигиеник талабларга риоя қилинмоқда (0352-17-сонли СанҚваМ). Спорт-таълим муассасаларини текшириш натижасида аниқланишича 17 дан 25 гача номдаги асосий спорт ускуналари, анжомлари ва инвентарларидан фойдаланилади; миқдор жиҳатидан энг яхши жиҳозланган спорт муассасалари Тошкент шаҳрига тегишлидир.

Спортчи ўқувчиларнинг тиббий таъминоти масалаларини ўрганиш натижасида аниқландики, спорт-таълим муассасаларида ўрта тиббий ҳодимларнинг штат бирликлари тўлиқ шакллантирилган, аммо 60% ҳолатларда шифокор лавозими кўзда тутилмаган; тиббиёт кабинетлари зарур мебеллар, дори-дармонлар ва уларни сақлаш учун совуткичлар билан (100% Тошкент шаҳрида, 50% - вилоят шаҳарлари ва қишлоқ жойларда); бўй ўлчагичлар билан (100% ҳолатларда) жиҳозланган, аммо спирометр ва динамометрлар мавжуд эмас. Демак, спортчи ўқувчиларнинг бўй-оғирлик кўрсаткичларидаги динамик ўзгаришларни назорат қилиш тўлиқ ҳажмда ўтказилмаган, нафас ва мушак-ҳаракат тизимлари аниқланмаган.

Маълум бўлишича, Республика олимпия заҳиралари коллежининг бутун контингентидан 48% ўқувчилар Тошкент шаҳрида, Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежининг деярли 50% ўқувчилари Чирчиқ шаҳрида яшайди; респондентлар (сўров иштирокчилар)нинг 30-32 фоизи вилоятлардаги шаҳарларда, 20 фоизи эса республикамизнинг қишлоқ жойларида туғилиб ўсган. Бу республикасизнинг вилоятларидаги шаҳарларда ва қишлоқ туманларида яшайдиган ёш ўғил ва қиз болалар орасида спортнинг тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган болаларнинг яшаш шароити (яшаш жойининг тури, майдонининг ўлчами, коммунал таъминот) ва овқатланиш тартиби бир-биридан фарқ қилмаган.

Ота-оналарнинг маълумоти даражаси ва ижтимоий мавқеи жиҳатидан ишончли фарқлар мавжудлиги аниқланган; спорт билан шуғулланадиган болалар гуруҳида олий маълумотли ота-оналар сони спорт билан шуғулланмайдиган болаларнинг ота-оналарига нисбатан 1,6 баробарга кўп бўлган ($23,3 \pm 0,99$ га қарши $37,2 \pm 1,56\%$), «хизматчилар» деган ижтимоий ҳолатига эга бўлганлар сони 1,4 баробар кўп ($26,7 \pm 1,06$ га қарши $37,6 \pm 1,57\%$) ва вақтинча ишламаётганлар сони 1,2 баробар кам ($28,1 \pm 1,05$ га қарши $24 \pm 1,38\%$) бўлган ($P < 0,05 - 0,001$). Олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиларининг турар жой ва маиший шароитини ўрганиш шуни кўрсатадики, 70% гача бўлган спортчи ўқувчилар қулай тура жой шароитида (1 кишига тўғри келадиган турар жой майдони 9 м^2 дан ортиқ, коммунал қулайликлар мавжуд бўлган) яшаган. Ёш спортчиларнинг 50%га яқини чиниқтириш муолажаларига рисоладагидек эътибор қаратмаслиги, 16% эса шахсий гигиена ва спорт пойафзали гигиенасига риоя қилмаслиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Спорт-таълим муассасаларида ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича тақсимланишининг миқдорий тавсифлари ва машқ машғулотлари тартиби**» деб номланган тўртинчи бобда олимпия заҳиралари коллежлари ва спорт мактаблари ўқувчиларининг спорт турлари ва машқлар тартиби бўйича тақсимланиши келтирилган, машқ машғулотларининг спортчи ўқувчилар саломатлиги ҳолатини субъектив баҳолашга кўрсатадиган таъсири аниқланган.

Спортчи ўқувчиларнинг миқдорий тақсимооти шуни кўрсатадики, олимпия заҳиралари коллежида ўғил болалар 16 хил, қизлар эса 14 хил спорт тури билан, спорт мактабларида мос равишда 42 ва 39 хилдаги спорт тури билан шуғулланганлар. Спорт турлари гуруҳларининг биз томонимиздан модификациялаштирилган таснифига мувофиқ, спортчи ўқувчилар қуйидагича тақсимланган: спорт мактабларида 82% ўғил болалар спортнинг жамоавий турлари ва якка кураш билан, 90% қизлар мураккаб мувофиқлаштириладиган ва жамоавий турлар билан, олимпия заҳиралари коллежларида 80,7% ўғил болалар якка кураш, ациклик ҳамда бошқарувли турлари билан ва 62% қизлар ациклик, мураккаб мувофиқлаштириладиган ва ҳар хил яккакураш турлари билан шуғулланганлар, спорт мактабларида шуғулланадиган ва текширувдан ўтган болаларнинг умумий сонидан эркак жинсга мансуб шахслар қизларга нисбатан 2,2 баробар кўп (31 га қарши 69%), олимпия заҳиралари коллежларининг ўқувчилари орасида эса 3,2 баробар кўп ($23,8$ га қарши $76,2\%$) бўлганлиги туфайли ота-оналар, тарбиячилар, педагоглар, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тиббий ходимларнинг саъий-ҳаракатларини қиз болаларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилишга йўналтириш зарур. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан эртароқ, яъни 4-6 дан ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга киришадилар ($11,3$ га қарши $31,1\%$) ва тенгдош спортчилардан фарқ қилган ҳолда деярли 3 баробар кўпроқ спорт устаси ва спорт устаси номзоди разрядларига эгадирлар. Бу ҳолат қиз болалар муваффақиятга эришишга кўпроқ интиладилар, улар учун ҳар қандай фаолиятда, жумладан спортда ҳам биринчи бўлиш муҳим, деган фикрни тасдиқлайди.

Сўровнома ўтказиш натижасида спорт билан мунтазам шуғулланиш ўқувчиларнинг кун тартибида анчагина вақтни эгаллаши ва спорт билан шуғулланишнинг давомийлиги уларнинг ёшига боғлиқ. Олимпия захиралари коллежларида мунтазам шуғулланишнинг ўртача давомийлиги 5 йилдан 8 йилгача ва ундан ортиқ вақтни, машқ машғулотлари сони ҳафтасига 4-6 мартани, кунлик машғулотнинг давомийлиги 1,5-6 соатни ташкил қилади. Спорт мактабининг ўқувчилари спорт билан мунтазам равишда 1-4,5 йил шуғулланадилар. Тошкент шаҳридаги болаларнинг кўпчилиги спорт мактабларида кунига 2-4 соатдан ҳафтада 5-6 марта, вилоятлардаги шаҳарларда эса кунига 1-3,5 соатдан ҳафтасига 3-5 марта шуғулланганлар. Шундай қилиб жисмоний юктамаларнинг ҳафталик ҳажми анча юқори бўлиб, бу ҳолат айниқса Тошкент шаҳридаги спортчи ўқувчиларда кўпроқ кузатилади.

Спортчи ўқувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, машқ машғулотларининг мураккаблиги ва умумтаълим дастури бўйича уйга берилган топшириқлар ҳажмининг катталиги спортдаги ютуқларнинг натижавийлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Машқлар болаларнинг жаҳлдорлиги, кўрқув ва ваҳима ҳиссининг пасайишига, диққат-эътиборнинг ошишига ва уйқунинг меъёрлашувига кўмаклашади. Машқ машғулотлари вақтида ўқувчиларнинг катта ёшли гуруҳлари орасида, кўпроқ қиз болаларда тажовузкорликнинг намоён бўлиш тенденцияси кузатилган бўлиб, спорт соҳасидаги психологларнинг фикрига кўра бу спортчи учун муҳим хусусият ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Спорт билан шуғулланишнинг ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва организмнинг функционал ҳолати даражасига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши, нафас ва ҳаракат-мушак тизимларининг функционал ҳолати кўрсаткичларига қиёсий баҳо берилган; республиканинг турли минтақаларидаги болалар жисмоний ривожланишининг алоҳида стандартларини ишлаб чиқиш зарурати исботланган.

Спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган болалар ўртасида тананинг узунлиги кўрсаткичлари орасида ишончли тафовутлар мавжуд эмаслиги аниқланган, аммо спортчи болалар орасида (1-гуруҳ) тананинг оғирлиги ва кўкрак қафаси айланаси миқдорларининг ўртача қийматлари (тинч ҳолатда, чуқур нафас олиш ва нафас чиқаришда) спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлариникига (2-гуруҳ) нисбатан ишончли тарзда юқорироқ бўлган ($P < 0,05-0,001$) (1-жадвал). Бу ҳолат жисмоний юктамаларнинг тананинг мушак оғирлиги ва кўкрак қафаси мушакларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармойишига мувофиқ (17.07.2013 йилдаги 1065-сонли фармойиш) ўқитилган мутахассислар томонидан биз ишлаб чиққан ўқув дастури (Тошкент, 2013) бўйича морфофункционал ўлчашларни ўтказишга унификациялашган ёндашув умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейларининг 19606 нафар ўқувчиларининг антропометрик параметрлари бўйича ишончли маълумотларни тўплашга хизмат қилган.


Олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчиларининг ва уларнинг спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларининг бўй узунлиги, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси кўрсаткичларининг ўртача ўлчамлари, $M \pm m$

Ёши, йил	Ўғил болалар					Қиз боллар				
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		P	1-гуруҳ		2-гуруҳ		P
	M	$\pm m$	M	$\pm m$		M	$\pm m$	M	$\pm m$	
бўй узунлиги, см										
13	153,3	1,28	151,8	0,49	-	149,0	1,38	152,9	0,77	*
14	158,3	1,19	158,0	0,65	-	155,4	1,19	158,3	0,75	*
15	164,2	0,85	166,0	0,52	-	160,3	1,36	159,0	0,78	-
16	168,5	1,06	169,1	0,71	-	160,3	1,42	160,1	0,45	-
17	171,4	1,04	171,0	0,6	-	162,8	1,16	160,0	0,51	*
тана вазни, кг										
13	43,1	0,99	40,4	0,41	*	39,1	1,22	42,8	0,52	*
14	47,9	1,12	45,8	0,6	-	44,5	1,64	48,5	0,66	*
15	53,1	1,02	52,3	0,68	-	49	1,82	48,4	0,78	-
16	57,9	1,05	56,2	0,65	-	57,3	1,87	52,1	0,59	*
17	62,7	1,23	59	0,52	**	56,2	0,94	53,1	0,52	**
тинч ҳолатдаги КҚА, см										
13	76,2	0,71	71,2	0,41	***	73,4	1,23	72,4	0,64	-
14	79,3	0,77	73,9	0,52	***	78,6	1,56	77,2	0,62	-
15	83,3	0,83	78,9	0,61	***	84,4	1,28	77,6	0,52	*
16	86,4	0,91	82,3	0,58	***	82,9	0,98	78,9	0,53	**
17	88,5	0,8	84,5	0,54	***	83,7	0,71	81,1	0,74	*

Изоҳ: * - 1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар аҳамиятли даражада ишончли
* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$

Ушбу антропометрик параметрларга сататистик ишлов бериш қиёсий жиҳатдан болаларнинг ёши, жинси ва яшаш жойига кўра жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ўзига хом хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Ўзбекистон вилоятларининг шаҳарларида ва қишлоқ жойларида яшайдиган болалар жисмоний ривожланишининг қиёсий таҳлили, ўтказилганда асосий соматометрик кўрсаткичлари (тананинг узунлиги, оғирлиги ва КҚА) бўйича ишончли тафовутлар аниқланмаган. Аини вақтда Қорақалпоғистондаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларидаги болаларнинг худди шундан кўрсаткичларини солиштириш шуни кўрсатдики, таққосланадиган кўрсаткичлар статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Тошкент шаҳрида болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг Ўзбекистон вилоятларидаги шаҳарларда ҳамда Қорақалпоғистонда яшайдиган тенгдошлариникидан ишончли тарздаги фарқлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон вилоятларининг шаҳарлари ҳамда қишлоқ жойларининг болалари учун жисмоний ривожланишнинг алоҳида баҳолаш жадваллари (стандартлари)ни ишлаб чиқиш учун асос бўлди.


Спортчи ўқувчилар орасида жисмоний ривожланиш даражаси секинлашган (паст ва ўртадан паст) болалар сони спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлариникига нисбатан камроқ бўлганлиги (ўғил болаларда 17,2 га қарши 13,2%, қиз болалар - 15,5 га қарши 12,4%) ва мутаносиб ривожланаётган болалар, айниқса ўғил болалар сони кўпроқ эканлиги қайд этилган (ўғил болалар 82,1 га қарши 87,2%, қизлар – 81 га қарши 83,3%) (1-расм).



1-расм. Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш даражаси, %

Ўқувчиларнинг нафас ва ҳаракат мушак тизимларининг функционал имкониятларини уларнинг ҳаракат фаоллиги билан боғлиқ ҳолда ўрганиш натижасида ёш бўйича гуруҳларнинг аксарият қисмидаги ўғил болаларда ЎҲСнинг қийматлари қиз бола тенгдошлариникига нисбатан ишончли тарзда юқорироқ эканлиги аниқланган ($P < 0,05-0,001$), аммо ЎҲС миқдорининг ЎЗҲС миқдоридан оғишлари йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматлар доирасида чиқмайди; ёш бўйича гуруҳларнинг аксарият қисмида спортчи қизларнинг ЎҲС ва КҚЭ кўрсаткичлари спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлариникига нисбатан ишончли тарзда юқорироқ бўлган, яъни спортчи қизларнинг нафас аъзолари функционал жиҳатдан яхшироқ ривожланган. Спортчи ўқувчилар орасида мушак кучи миқдорининг ўртача қийматлари ёш-жинс гуруҳларининг каттагина қисмида спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлариникига нисбатан ишончли тарзда юқорироқ бўлган ($P < 0,05-0,001$). Бу қўл панжаларининг мушак кучи информативлиги далолат беради, у интенсивлик даражасига кўра турлича бўлган ҳаракат режимларининг ўқувчилар организмнинг ёш бўйича динамикасига кўрсатадиган таъсирини акс эттиради.

13 ёшдан 17 ёшгача бўлган спортчи болалар орасида ўнг қўл панжаларининг мушак кучи ва мушак бардошлилигининг аҳамиятли даражадаги ўсими суяк-мушак аппаратининг жисмоний юкламалар таъсирида рўй бераётган морфологик ўзгаришларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Бунда мушак кучининг ўсими ўғил болаларда 79,4% ва қиз болаларда - 23,9%га, мушакнинг бардошлилиги ўғил болаларда 79,4% ва қиз болаларда - 53,1% га тенг (2-расм).



2-расм. Спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган ўқувчилар ўнг қўл панжаларининг мушак кучи, кг

